



2015 у.г. «26» декабр

№ 1848-К

«MOTRIT CHORVADOR» фермер хўжалигига лимонария ва сабзавот кўчатлари етиштирадиган иссиқхона қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси, Давлат геологик экспертизасининг хулосаси ҳамда «MOTRIT CHORVADOR» фермер хўжалигининг туман ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси ҳамда ушбу қарорнинг асослари ҳақидаги маълумотни тўлиқ равишда қўриб чиқувчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. МЧ «Мотрит-агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг контуридан «MOTRIT CHORVADOR» фермер хўжалигига лимонария ва сабзавот кўчатлари етиштирадиган иссиқхона қуриш учун жами 1,5 га (шундан: 0,5 га фермер хўжалигига ижарага берилган сувли ерлар ҳисобидан) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж.Хўжамуродов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг қўриқовчи қўриқовчиси Қ. Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров